2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 120 (376), 2021 йил 15 июнь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 14 июнь куни соғлиқни сақлаш ва коммунал хизмат соҳаларидаги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.**

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти ва пойтахтимиз туманларида бўлганида, шунингдек, 28 май куни ўтган видеоселектор йиғилишида коммунал тармоқларни янгилаш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича кўплаб вазифалар қўйган эди. Шу борада мутасадди вазирлик ва ҳокимликлар томонидан бошқарув сервис компаниялари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Хусусан, Тошкент вилоятида 4 минг 938 та кўп қаватли уй бор. Уларга 36 та сервис компанияси ва 369 та ширкат хизмат кўрсатади. Ширкатларнинг ярмидан кўпи оғир аҳволда. Хизматлар ўз вақтида ва сифатли бўлмагани, замонавий ёндашувлар жорий этилмагани оқибатида истеъмолчилар норози.

Тадбирда ҳудуддаги шу каби камчиликлар танқид қилинди. Лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш, тизимни тўғри ташкил этиб, аҳолига қулайликларни ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан алоқаларида ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантиришга кенг имконият берилмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятида Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси билан яқин шериклик йўлга қўйилган. Тақдимотда ушбу ҳамкорлик асосида амалга ошириладиган иқтисодий ва инвестициявий лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Президентимиз лойиҳаларни танқидий баҳолаб, ҳамкорликни изчил кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари бундан бир ой олдин Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига бориб, бу йўналишдаги шифохоналарда шароитларни яхшилаш бўйича топшириқлар берган эди. Улардан келиб чиқиб, 27 май куни Президентнинг “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ, Республика онкология ва радиология тиббиёт маркази учун янги бинолар қуриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Бунинг учун Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг бўш турган ҳудудидан 5 гектардан зиёд ер ажратилган. Бинони лойиҳалаштиришда хорижий тиббиёт муассасаларининг илғор тажрибаси инобатга олинган.

Янги марказда позитрон-эмиссион томография, радиоизотоп текширишлар, занжир реакцияли анализаторлар, магнит-резонанс томография, ангиография учун замонавий ускуналар ўрнатилади. Иммунотерапия, таргет терапия, чизиқли тезлаткич ёрдамида ва стереотоксик нур терапия, радиохирургия каби янги даволаш услублари жорий этилади.

Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, барча ҳудудлардаги онкология шифохоналаридаги шароит, даволаш сифати ўрганилган. Бундай касалликлар бўйича энг кўп мурожаат Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти филиалларига тўғри келган. Яъни, уларда барча беморларнинг қарийб 37 фоизи даволанган.

Шундан келиб чиқиб, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти шифохоналарини ягона муассаса сифатида бирлаштириш таклифи билдирилди. Бунинг натижасида салоҳиятли мутахассислар ва юқори технологик ускуналар бир жойда жамланиб, даволаш сифати ошади, беморлар сарсон бўлишининг олди олинади.

Малакали шифокорлар тайёрлашга қаратилган режалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Шу мақсадда Н.И.Пирогов номидаги Россия тиббиёт университети билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган. Ҳамкорлик доирасида келгуси икки йилда юртимиз талабаларини Россияга ўқишга юбориш, 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳрида Пирогов номидаги университет филиалини очиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни маъқуллаб, уларни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шунингдек, тақдимотда тижорат банклари томонидан шакллантирилган лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА**

## БОҚИЙ МЕРОС

**Агар биз асл, ҳақиқий санъатни билмоқчи, ўрганмоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини билишимиз, ўрганишимиз керак. Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



# “ШАШМАҚОМ” — ИККИ ХАЛҚНИ БИРЛАШТИРГАН МУАЗЗАМ ДАРЁ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев I Халқаро мақом санъати анжуманида санъатимизнинг ўлмас хазинаси бўлган “Шашмақом” ҳақида шундай таъкидлаб ўтган эди: “Халқимиз бадиий тафаккурининг маҳсули бўлган “Шашмақом”, яъни, олти мақомни, таъбир жоиз бўлса, олти азим дарёга қиёслаш мумкин. Бу дарёлар асрлар давомида жаҳон маданият уммонига қуйилиб, уни ҳар томонлама тўлдириб, бойитиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу муаззам мусиқий дурдона ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани чуқур маъно ва аҳамиятга эга, деб ўйлайман”.**

Чиндан ҳам бу мусиқий дурдона ўзбек ва тожик халқлари мусиқа меросида асосий ўрин тутган ноёб меросдир. Мақомларимиз оҳангларида икки халқнинг дардлари, армонлари, қувончу шодликлари уйғунлашиб кетган. Уларни азалдан ўзбек ва тожик халқининг етук созанда ва хонандалари ижро этиб келишган. **Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева** билан ушбу ноёб санъатни асраб-авайлаш, ўрганиш борасида ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар, Президентимизнинг Тожикистонга расмий ташрифи доирасидаги маданий тадбирлар ҳақида суҳбатлашдик.

***— Муножат опа, ўзбек ва тожик халқлари азалдан Марказий Осиёнинг жаннатмонанд ҳудудида елкама-елка яшаб, бир дарёдан сув ичиб, шу ўлкани обод қилиб, маданият ва санъатини ривожлантириб, дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Бу халқларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, маданияти бир-бирига муштарак. Тожикистонга сафарингиз давомида ана шу уйғунликда кечган қандай лаҳзалар қалбингизга равшанлик бағишлади?***

— Бизнинг халқларимизни умумий тарих, маданият ва маънавий қадриятлар, ўзаро ҳурмат ҳамда яхши қўшничиликнинг кўп асрлик анъаналари бирлаштириб туради. Бу яқинлик, албатта, Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги муносабатлар учун мустаҳкам замин, асосий тамойил бўлиб хизмат қилади.

Давоми 3-бетда

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — АМАЛДА

# ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ тизимини такомиллаштириш йўлидаги муҳим ислоҳотлар



**Фарҳод ЭШОНҚУЛОВ,**
**“Тараққиёт стратегияси” маркази бўлим бошлиғи**

**Ўзбекистон тараққиётининг замонавий босқичида ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, энг аввало, давлат бошқарувининг янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратиш ҳамда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг уйғун фаолиятини ташкил этишга қаратилган эди. Шу маънода, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатнинг ўзига хос истиқболи йўлидаги янгиланиш жараёнларини белгилаб берди.**

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

Давоми 2-бетда

## ФАРМОН ВА ИЖРО

# ТАКОМИЛ ТАЛАБИДАГИ ТИЗИМ

## халқаро андозаларга мослашган, мувофиқликни баҳолаш жараёнларига замонавий услубларни жорий қилган бўлиши лозим

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи**

*Комьпютер технологиялари асрида яшаяпмиз. Улар инсон танасидаги кўз илғамас ҳужайраларга ташхис қўйишдан тортиб, турмушнинг барча соҳаларида фойдаланилмоқда. Биз техника , тиббиёт, ахборот алмашинуви ривож топган замон авлодлари эканлигимиздан ҳақли равишда фахрланамиз.*

Инсониятнинг ана шундай тараққиётга эришувида ўлчаш воситаларининг мажмуи фаол таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Чунки бу дунёда неки нарса, буюм ёки асбоб-ускуна мавжудки, ўз меъёри, намуна, ўлчами ва миқдорига эга. Улар ўз навбатида, техник жиҳатдан тартибга солишни талаб этади.

Президентимизнинг 2021 йил 2 июндаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ва шу асосда қабул қилинган қарори тизимда янги даврни бошлаб берди. Мазкур ҳужжатлар ижроси техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология соҳаларида таркибий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, халқаро андозаларга мослаштириш, мувофиқликни баҳолаш жараёнларига замонавий услубларни жорий қилишни таъминлайди.

Давоми 4-бетда

## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

# ИЛК ТУТЧИЛИК КЛАСТЕРИ



## Кўп йиллик тажриба ва замонавий технологиялар асосида иш бошлади







**Шу кунларда юртимиз бўйлаб пиллакорларимиз томонидан “кумуш тола”ни йиғиб олиш ишлари жадал давом этмоқда.**
**Жорий йилда республикада биринчилардан бўлиб бухоролик пиллакорлар ўз режаларини бажариб, 41 минг 853 та оилавий звено ва касаначилар 42 минг 36 қути ипак қуртидан 2 минг 350 тонна пилла етиштиришди. Фарғона, Наманган, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларида ҳам хирмонлар тўлди.**

Давоми 4-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — АМАЛДА

# ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ

## тизимини такомиллаштириш йўлидаги муҳим ислоҳотлар

Бошланиши 1-бетда

Ушбу ҳужжатдаги биринчи рақамли вазифалардан бири ҳам айнан давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ҳамда маъмурий ислоҳотлар **“Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари”** концепцияси қоидаларига асосланади. Унинг доирасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш соҳасидаги ислоҳотлар халқ ҳокимиятчилиги механизмларини кучайтириш, давлат ҳокимияти тармоқлари мустақиллигини таъминлаш ва парламентнинг ролини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўтган даврда парламентга янги ваколатлар берилди, ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан таъсирчан назоратни ўрнатиш, давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг стратегик йўлларини белгилашда Олий Мажлиснинг ўрни ва роли сезиларли даражада оширилди.

Давлат раҳбарининг парламентга **Мурожаатнома йўллаш институти** давлат ва жамиятни барқарор ривожлантиришни стратегик жиҳатдан самарали режалаштиришни таъминловчи муҳим сиёсий-ҳуқуқий жараён сифатида қарор топди.

2017 йилда Ўзбекистон ҳукумати умуммиллий ислоҳотлар дастурини бошлади. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳукуматни фуқаролар манфаатлари ва фаровонлигини устувор қўядиган шаффоф тизимга айлантиришдан иборат эди. Маъмурий ислоҳотлар концепцияси, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун ва қабул қилинган бошқа бир қатор норматив-меъёрий ҳужжатлар концепциянинг мантиқий ва ҳуқуқий давоми сифатида ислоҳотларнинг туб асосини ташкил этди.

**Маъмурий ислоҳотлар концепцияси**нинг қабул қилиниши давлат бошқарувини ислоҳ қилишнинг тизимли механизмлари яратилишига ва ҳаётга татбиқ қилинишига олиб келди. Бу, ўз навбатида, давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг биргаликдаги фаолияти учун замин яратиб, мамлакатда қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилишида ижро ҳокимияти органларининг уйғун фаолият юритишини таъминлаб келмоқда. **“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун**нинг қабул қилиниши эса давлат бошқаруви идораларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, сўровномаларини кўриб чиқиш механизмларини тубдан такомиллаштиришга туртки ва асос бўлди.

Ўзбекистонда сўнгги бир неча йил мобайнида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, вазирлик ва идоралар фаолияти қайта кўриб чиқилди, баъзилари эса қайта ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, ҳукумат аппарати ижро этувчи тузилмаси такомиллаштирилиб, уларнинг баъзи ваколатлари тегишли давлат органларига ўтказилди. Президент ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо, Энергетика, Транспорт вазирликлари ва бошқа янги идоралар фаолияти йўлга қўйилди.

Ўз навбатида, ижро ҳокимияти органларида самарали бошқарув фаолиятини ташкил этиш, ошкора қарорлар қабул қилиш орқали коррупциянинг олдини олиш, фуқароларнинг давлат идораларига мурожаат йўллашига қулай имкониятлар яратиш, ҳар бир ташкилот ва идорада фуқаролар қабул кунлари жорий этилиши каби саъй-ҳаракатлар изчил амалга оширилмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг парламент олдида ҳисобдорлигининг комплекс тизими шакллантирилди.

2017 йил 12 декабрда **Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги** ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Ҳар бир туманда, мамлакат бўйича жами 205 та Давлат хизматлари маркази, олис ҳудудларда уларнинг 100 дан ошиқ филиали иш бошлади. Шу билан бирга, 150 турдаги давлат хизматларини яшаш жойидан қатъи назар, экстерриториал тамойил асосида олиш имконияти яратилиб, фуқаролар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар сони ва хизмат кўрсатилиши учун талаб этиладиган муддат сезиларли даражада қисқартирилди, сифат ва самарадорлик оширилди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартиби, уларнинг устав фонди, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг устав фондига қўйилган талаблар каби қатор ҳолатлар оптималлаштирилди. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида 2020 йил якуни бўйича Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш” рейтинги “бизнесни рўйхатдан ўтказиш” индикаторида Ўзбекистон 4 поғона кўтарилиб, 190 та давлат ичида 8-ўринни эгаллади.

Ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси ахборот тизими — **“business.gov.uz”** ягона интерактив портали моддий-техник жиҳатдан такомиллаштирилди. Қонунга зид равишда қабул қилинган қарорларнинг олдини олиш ҳамда шаффофликни таъминлаш мақсадида ҳоким қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказиш жараёнларини электрон шаклга ўтказувчи дастур — “E-qaror” тизими ишлаб чиқилди.

Давлат бошқаруви ва хўжалик функцияларини бирга қўшиб олиб боришдан воз кечиш ҳамда давлат хизмати самарадорлигини ошириш мақсадида Президентнинг 2019 йил 3 октябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил қилинди.



Мазкур жараёнда давлат хизматига кадрларни қабул қилишда сифат таркиби таҳлили ҳамда очиқ мустақил танловлар борасида ишлар жадал олиб борилмоқда, хусусан, **“бир дарча”** тамойили асосида онлайн режимда фаолият кўрсатувчи Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона портали **(vacancy.argos.uz)** ишга туширилди. Мазкур порталга айни пайтда 44 та вазирлик ва идора, 10 та вилоят ҳамда 190 та туман (шаҳар) ҳокимликлари уланган. Портал фаолияти давлат фуқаролик хизматидаги вакант лавозимларга муносиб номзодларни қабул қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Эркин фуқаролик жамияти барпо этишда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйишнинг воситаси сифатида **Президентнинг Халқ ва Виртуал қабулхоналари, фуқаролик жамиятини ривожлантириш институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоатчилик назорати институтлари** ҳамда давлат органлари ҳузуридаги **жамоатчилик кенгашлари** муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

2017 йилдан бошлаб фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг барча ҳудудлардаги Халқ ва Виртуал қабулхоналари аҳоли билан бевосита мулоқотни йўлга қўйиб, жойларда юзага келаётган муаммоларни тезкор ҳал этиш, камчиликларни бартараф қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ-манфаатларини рўёбга чиқаришни таъминламоқда. Мисол учун, биргина 2017 йилнинг ўзида Виртуал ва Халқ қабулхоналарига жисмоний ва юридик шахслардан 1,4 миллиондан ортиқ мурожаат келиб тушган. 2019 йилдан бошлаб эса Президентнинг Халқ қабулхоналари муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишнинг фаол тизимига ўтди. 2020 йилда Президент Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига 1,2 миллионга яқин мурожаат бўлган. Президент Халқ қабулхоналари томонидан киритилган ахборот ва эшитилган ҳисоботлар натижасида мурожаатлар билан талаб даражасида ишламаган 752 нафар масъул ходим жавобгарликка тортилган. Халқ қабулхоналарига давлат органларининг фаолиятини ўрганиш, уларга тақдимномалар киритиш, қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларни лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритиш ваколатлари берилди.

Бундан ташқари, ҳар бир давлат органи ҳузурида **Жамоатчилик кенгашлари** ташкил этилиши давлат органларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва камчиликларни халққа тўғри, холисона етказиб боришга замин яратди.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида **“Жамият — ислоҳотлар ташаббускори”** ғоясининг илгари сурилиши натижасида ҳукумат ислоҳотларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларини иттифоқчи сифатида кўра бошлади. Бу эса мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг эркин фаолият юритиши учун янада кўпроқ имкониятларни яратишда, қонунчиликдаги ўзгартиришлар ва ташаббусларда намоён бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 9 200 дан ортиқ **ННТ фаолият** юритмоқда. Нодавлат ташкилотларнинг ўсиш тенденциясига уларнинг иш самарадорлигини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирларнинг ижроси бевосита таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, шу соҳада 200 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлиб, ННТларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилган. Бу эса ННТлар фаолиятининг кенгайишига оид барча ташкилий-ҳуқуқий механизмлар шакллантирилгани ва бу жараён мустаҳкамлаб борилаётгани билан характерлидир. Буни Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўсиш динамикаси йилдан йилга прогрессив давом этаётганида ҳам кўриш мумкин.

### Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўсиш динамикаси




Шу билан бирга, ННТларнинг жамиятда очиқлик, ошкораликни таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини шакллантиришда ташаббускорлиги яққол сезилмаётганини таъкидлаш лозим.

Албатта, кўрилаётган кўплаб чора-тадбирлар, янги механизмлар, назорат қилиш усуллари мавжуд ҳолатни тубдан ўзгартирмоқда, деб айта олмаймиз. Шу каби муаммоларни ҳал этиш мақсадида 2021 йил 4 мартда Президентимизнинг **“2021—2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони** қабул қилинди. Ушбу фармон **“Жамият — ислоҳотлар ташаббускори”** ғоясининг амалий жиҳатларига яққол мисол бўла олади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ҳаракатлар стратегияси доирасида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш йўлидаги муҳим ислоҳотларнинг катта қисми халқ ҳокимиятчилиги механизмларини кучайтириш, давлат ҳокимияти тармоқлари мустақиллигини таъминлаш, парламентнинг ролини янада кучайтириш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг очиқлигига эришиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш ва рағбатлантиришга қаратилди. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш йўналиши доирасидаги ислоҳотлар **янги Ўзбекистоннинг** халқаро майдонда кенг эътироф этилишига ҳамда имижи ошишига хизмат қилиб келмоқда. Бу эса мамлакатимиздаги янги босқичдаги ислоҳотлар, юритилаётган прагматик ички ва ташқи сиёсатнинг қанчалик тўғри ва самарали эканидан далолат беради.

“ТАШАББУС — 2021”



Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

**Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ташаббус” кўрик-танлови бу йил ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилмоқда. Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида танловнинг якуний босқичи кўргазмаси тантанали равишда очилди. Унда Президент соврини учун беллашаётган 70 га яқин тадбиркор ва ҳунарманд ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.**

# ТАРАҚҚИЁТ САРИ ҚАДАМ

Кўргазма залидан заргарлик буюмларидан тортиб инновацион лойиҳалар ҳосиласи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларигача жой олган. Танловда қатнашчилар саноат, хизмат кўрсатиш, ёш тадбиркор, фермер хўжалиги, ҳунармандлик йўналишларида иштирок этмоқда.

— Жорий йилги кўрик-танловга туманлардан 13 164 та иштирокчи ариза топширди ва улардан 970 таси вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди, — дейди Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов. — Танловнинг ҳудудий босқичида ғолибликни қўлга киритган 69 нафар иштирокчи маҳсулотларини намойиш қилмоқда. Бу йилги танловда шаффофлик ва адолат мезонларини таъминлаш мақсадида аризаларни биринчи бор электрон платформа орқали юбориш имконияти яратилди.

Кўргазма майдони меҳмонлар, тадбиркорликка қизиқувчи ёшлар билан гавжум. Фарғоналик фермер Орзухон Нурбоеванинг атрофини ёш йигит-қизлар ўраб олган. Опанинг фермер хўжалиги даласида етиштирилган, шу пайтгача сақланган узумлар ишкомларга илиб қўйилганки, айримлари ҳозир узилганга ўхшайди. Табиийки, уни томоша қилаётган ёшларни узумни сақлаш сирлари қизиқтиради.

— Кузда узумларни бир неча сантиметр новдаси билан кесиб олиб, ўша новдасини кичик идишлардаги сувга солиб қўямиз. Шу усулда узумларни узоқ вақтгача сақлаш мумкин, — дейди Орзухон опа. — Боғимизда узумнинг кўплаб навлари бор. Уларни сақлаб, йил давомида сотишни йўлга қўйганмиз. Ўтган йили 190 миллион сўмлик узум экспорт қилдик.

Ўзбекистон Қаҳрамони Лолахон Муротовага ҳавас қилиб иш бошлаган Орзухон опа бугун устози каби машаққатли меҳнати ортидан ютуқларга эришиб келмоқда. Хўжаликда асаларичилик, паррандачилик, чорвачилик ҳам ривожланмоқда. Бу йил Хитойдан олиб келинган замонавий технология асосида сутни қайта ишлаш ҳам йўлга қўйилди. Хўжаликда 150 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Фермер жорий йилда ғалладан бўшаган 25 гектар ерни талабгор йигит-қизларга 25 сотихдан ажратиб беришни кўзлаган.

Кўрик-танловнинг саноат йўналишида иштирок этаётган андижонлик ёш тадбиркор Нурислом Юсупов “Saxovat tex” қўшма корхонасига раҳбарлик қилади. 21 ёшида тадбиркорлик фаолиятини бошлаган қаҳрамонимиз турклардан ипни икки қават ўраб беришга буюртма олган. Ўшанда 1,5 минг квадрат метр майдонда тикув корхонаси ташкил этиб, 35 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаган. Бугунги кунда қўшма корхона фаолияти кенгайиб, 711 киши меҳнат қилмоқда.

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кластернинг 3 минг гектар майдонида пахта ва ғалла етиштирилади. Хомашёдан тортиб тайёр маҳсулотгача шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилади.

Маҳсулотлар “Аҳсан” бренди остида Россия, Украина бозорларига экспорт қилинмоқда. Ўтган йили экспорт ҳажми 5 миллион 600 минг АҚШ долларини ташкил этди. Эндиликда ёш тадбиркор Ғарбий Европа бозорларига чиқиб, тармоқли дўконлар билан ишлашни, фаолиятини янада кенгайтириб, ўтган йили Президентимиз билан учрашувида ваъда берганидек, иш ўринларини мингтага етказишни мақсад қилган.



Кўргазма иштирокчиларининг барчаси ўз соҳасининг илғорлари. Улар танловда рақиб бўлсалар-да, ягона мақсад — ўзбек брендини жаҳонга танитиш йўлида ҳаракат қилаётган ишбилармонлардир.

Танловда юқоридаги 5 та йўналиш ҳамда бу йил жорий этилган “Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли” номинацияси ғолиблари Президент соврини — енгил автомашиналарга эга бўлади.



БОҚИЙ МЕРОС

# “ШАШМАҚОМ” — ИККИ ХАЛҚНИ БИРЛАШТИРГАН МУАЗЗАМ ДАРЁ

**Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



Бошланиши 1-бетда

Шу ўринда айтиб ўтишим лозимки, икки давлат ўртасида дўстлик алоқаларининг мустаҳкамланиши, қадрдонларимиз билан борди-келдиларимизнинг тикланиши катта бир маънавий кўприк ўрнатилганидан дарак беради. Президентларимиз бу кўприк қурилишига пойдевор қўйишди. Катта бир лойиҳаларга, шартномаларга имзо қўйилди. Бу келишувлар икки давлатнинг келажакдаги ривожланишида ўз самарасини бериши аниқ. Ана шу қутлуғ жараёнда биз санъаткорлар ҳам ўз санъатимиз билан ушбу ҳамкорликка ҳисса қўшаётганимиздан ниҳоятда бахтлимиз.

Ўзбек-тожик санъат усталари иштирокидаги “Дўстлик оқшоми” номли қўшма концертда ўзбекча қўшиқни тинглаб ҳаяжондан йиғлаб ўтирган бир отахонни кўриб қолдим. Фурсатини топиб аста ёнига бориб уни гапга солдим. “Эҳ, Муножатхон, шу кунларга ҳам етдик. Ўзбек биродарларимни жуда соғинган эдим. Қўшиқларингизни тинглаб роса маза қилдим. Президентингиз амалга ошираётган ислоҳотларни телевизорда кузатиб ҳамиша дуо қилиб ўтирар эдим. Этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидек, биз ҳам ўзбек оға-иниларимиздан айро яшай олмаймиз!” деди отахон.

Концертдан сўнг истараси иссиқ опа-сингилларимиз, ака-укаларимиз ёнимизга келиб, “Сиз Муножат Йўлчиевасиз-а... Биз сизнинг ашулаларингизни жуда яхши кўриб тинглаймиз”, дейишганида тўлқинланиб кетдим. Озроқ тожикчадан хабарим борлиги учун улар билан дилдан суҳбатлашишга ҳаракат қилдим. Қошлари қора, кўзлари чақнаб турган бир қиз, “Мен сизларнинг ашулаларингизни телеканаллар орқали кўриб тураман. Кейинги пайтда Ўзбекистонда мақом санъатига бўлган эътибор ниҳоятда кучайди. Ҳаттоки мумтоз қўшиқларни 1-2 соатлаб эфирга беришяпти. “Севимли”, “Маданият ва маърифат”, “Наво” телеканалларида кўп кўрганман сизни, Муножат опа! Бу телеканалда намойиш қилинадиган мақом ҳақидаги кўрсатувларни жону дилим билан томоша қиламан”, деди ҳаяжон билан. Тожикистон Маданият вазирлигида ишлайдиган бир ҳамроҳим эса, “Менинг бувижоним сизнинг асл мухлисингиз. Ҳозир сиз билан учрашганимга ишонмаяптилар. Илтимос, телефон орқали гаплашинг”, деб сўради. Онахоннинг сўзларини эшитсангиз, сиз ҳам йиғлаган бўлардингиз. Ўзбекча-тожикча аралаштириб суҳбатлашар эканмиз, охири қувончларимиз қўшиқларга, дуоларга уланиб кетди: “Мен бу кунларни неча йиллардан бери юрагим қон бўлиб кутган эдим. Ўзбек қадрдонларимизнинг меҳру оқибатини, ўзбекча каломy ширин таомларини қанчалар соғинганимни тасаввур қила оласизми, Муножатхон! 15-20 йиллаб жигарларим дийдорини кўролмадим. Илоҳим, йўлларимизни яна бирлаштирган, қалбларимизни туташтирган, соғинчларимизга барҳам берган давлатимиз раҳбарлари дунё тургунича турсинлар!”

Мен сизнинг саволингизга ана шу оддий ва самимий эътироф билан жавоб бергим келди.

***— Улуғ устозларимиз ҳар икки тилда бирдай куйлаб келишган. Шунинг учун бўлса керак, ўзбекнинг тўйи, тадбири тожикча қўшиқсиз ўтмагани каби тожик халқининг ҳам ҳеч бир йиғини ўзбекча оҳанг, ўзбекча изҳорларсиз ўтмайди. Чунки ўзбек ва тожик халқларининг мусиқаси, чолғуларию торларигача бир хил, жуда бўлмаса ўхшаш. Сизнинг ҳам репертуарингиздан кўплаб тожикча қўшиқлар жой олган. Айни пайтда тожик дўстларимиз ҳам ўзбекча қўшиқларни маромига етказиб куйлаб келишадики, бу бизларни янада яқинлаштиради, қувонтиради. Шундай эмасми?***

— Шу ўринда бир маълумотни келтириб ўтишни жоиз деб биламан. Устозим, Ўзбекистон халқ артисти Шавкат Мирзаев менга “Сарахбори наво” туркумидаги мақомларни дастлаб тожикча вариантини ўргатган. Тожик созанда ва ҳофизлари ижро этган асарлари ва куйларини ҳам эшитиб улғайганмиз. Масалан, ҳаммага маълум ва машҳур Барно Исоқова ҳам ўзбек, ҳам тожик тилида жуда чиройли ашулаларни айтганлар. Айни пайтда ҳам мақомларимизни маромига етказиб келаётган Тожикистон халқ артисти Мастона Эргашеванинг ижодини ҳурмат қиламан. Тожикистон халқ артисти Жўрабек Набиевни эса Ўзбекистонда ҳам, Тожикистонда ҳам мухлислар яхши танишади.

“Шарқ тароналари” да ғолиб бўлган тожикистонлик ёш хонанда Озодахон Абдуллаева билан гаплашганимда унинг Юнус Ражабий, Ориф Алимахсумов, Жўрахон Султонов каби улуғ ўзбек санъаткорларига бўлган меҳри ва эҳтиромини кўриб хурсанд бўлган эдим. Икки халқ дўстлигининг олтин ҳалқаси балки Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий тузган дўстлик анжуманларида абадий боғланиб қолгандир...

***— 2017 йилдан бошлаб мамлакатимизда миллий мақом санъатини янада ривожлантириш, ноёб меросимизни ёш авлод онгига сингдириш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан Халқаро мақом санъати анжуманининг ташкил этилиши мумтоз санъатимизни қадрловчи қалбларга ўзгача қувонч бағишлади. Шунингдек, 2020 йилда Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилгани нур устига нур бўлди. Тожикистонлик дўстларимиз бу ўзгаришлар ва янгиланишларга қандай муносабат билдиришди? Келгусида амалга ошириладиган қандай эзгу мақсадлар борасида келишиб олдингиз?***

— Ижодий учрашувлар ва концертлар давомида бу ўзгаришлар ва янгиланишлар қайта-қайта эътироф этилди. Кўплаб ота-оналар бизга фарзанди Ўзбекистонда мусиқий таълим олишини исташларини айтишганида фахрланиб кетдик.

2019 йил 28 октябрда Ўзбек миллий мақом санъати маркази билан Тожикистон Мақом академияси ва Мирзо Турсунзода номидаги Тожикистон Давлат маданият ва санъат институти ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди. Ана шу йўналишдаги ишларни давом эттириш ҳақида ҳам ўзаро фикр алмашдик.

9 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбеков Тожикистон Республикаси Маданият вазири Зулфия Давлатзода билан учрашув ўтказди. Учрашувда ўзбек ва тожик мақом усталарининг қўшма концертини ва маҳорат дарсларини, чегара ҳудудларида ўзбек ва тожик театрларининг гастроль сафарларини ташкил этиш борасида келишиб олинди. Шунингдек, маданият ва санъат соҳасида тажриба алмашиш мақсадида ўқитувчи ва педагоглар алмашинувини амалга ошириш борасида ҳам таклифлар билдирилди.

Ўз ўрнида Зулфия Давлатзода Ўзбекистонда сўнгги йилларда маданият соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар ва янгиликларни алоҳида эътироф этиб, бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади. Айниқса, сўнгги йилларда турли ҳудудларда ўтказилаётган халқаро фестивалларда бевосита иштирок этганини ҳамда мазкур тадбирлар Ўзбекистон нуфузини янада ошираётганини айтиб ўтди.

Тожикистонлик қадрдонларимиз билан хайрлашаётган чоғимизда Ҳазрати Жомийнинг мана бу мисраларини эсладим: “Дўст агар дўстга пайвандлик қилса, Орзу-умид дарахти унумдор бўлгай”. Ҳа, бизнинг жонажон дўстларимиз билан амалга оширадиган ишларимиз ҳали жуда кўп. Илдизлари туташ дарахтлармиз, ахир, азизлар!

Аэропортга етган чоғимизда дўпписини бошида ушлаганича ортимиздан югурган ҳофиз йигитнинг бир сўзлари яна қулоғим остида жаранглагандек бўлди: “Мен Ўзбекистонни яхши кўраман. Сизларни, албатта, излаб бораман!”

**Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА суҳбатлашди.**



## Мақомнинг мақоми янада юксалмоқда

**Ш. САЛИМЗОДА,**
**журналист**

***1997 йилнинг август ойи. “Шарқ тароналари” биринчи халқаро мусиқа фестивалининг илк куни. Қадим Самарқандда Регистон узра “Навбат олмониялик созанда Томас Оггерга” деган овоз янгради. Ҳамма ҳайрон. Немис созандаси билан Шарқ мусиқаси орасида қандай боғлиқлик бор экан?!***

Шарқона кийинган Оггер чанг мусиқа асбоби билан саҳнага чиқди. Сўнг қўлига микрофон олиб, Мавлоно Румийнинг мусиқа ҳақидаги байтларини ўқиди ва чанг чалишга киришди. Мусиқани тинглаб ўтириб: “Ажабо, нечун бу олмониялик созанда Шарқ мусиқасига мурожаат қилган экан?”, деган савол келди хаёлимга.

Эртаси куни “Афросиёб” меҳмонхонасига бориб Т. Оггер билан учрашдим ва унга:

— Сиз буюк композиторлар ватанидансиз. Аммо кеча Шарқ мусиқасидан намуналар ижро этдингиз. Бунинг боиси нима? — деб савол бердим.

Томас Оггер бироз сукут сақлади ва юрагидаги гапларни бундай изҳор этди:

— Эҳ, кошки ҳаммаям Шарқ мусиқасининг жозибасини англаса эди. Кеча мендан аввал ўзбек хонандаси, ватандошингиз Муножот исмли хоним мақомдан намуналар ижро этди. Мақом бу оддий мусиқа, оҳанг эмас, унда илоҳий руҳ бор. Бундан бир неча йил олдин қайси бир радиоканалдан мақом куй ва тароналарини эшитдиму, унинг мафтуни бўлиб қолдим. Кейинроқ қидириб-қидириб чанг сотиб олдим. Шу-шу мен мақом санъатининг шайдосиман.

Бундан олдинроқ, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида Францияда яшаётган мусиқашунос Мино Род ва Жон Гутьелар Тошкентга келиб, мақом санъатининг билимдонлари Файзулла Кароматов, Темур Маҳмудов, ижрочилар Турғун Алиматов, Берта Давидова, Фаттоҳхон Мамадалиев, Матлуба Дадабоева, Муножот Йўлчиева ва бошқалар билан суҳбатлар уюштириб, бир қатор санъаткорларимизни Европа мамлакатларига таклиф этиб, мақом санъати хусусида ўз тадқиқотларини эълон қилди.

Мен ўзим санъаткорлар оиласида дунёга келганман. Болалигимдан икки акам ижросида мақом йўналишидаги қўшиқларни тинглаб катта бўлганман. Олдин мусиқа дунёга келганми ёки шеър, аниқ билмайман. Бу ҳақда етук мутахассисларнинг ҳам фикрлари турлича. Аммо мақом мухлиси бўлганимдан сўнг шунга ишонч ҳосил қилдимки, халқимизнинг буюк мусиқа мероси бўлмиш “Шашмақом” мумтоз адабиётимиздаги ноёб ғазалларнинг умрбод эл орасида янграётганига муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Лекин Ғарб мутахассисларининг мақом санъати хусусида илиқ таассуротлари аждодларимизнинг бебаҳо маънавий-мусиқий мероси — мақомга бўлган муҳаббатимни янада кучайтирди. Бугун мен ўзимнинг маънавий ҳаётимни мақомсиз тасаввур қилолмайман. Чарчаганимда ҳам, руҳиятим, кайфиятим аъло бўлганда ҳам, мақом тароналарини эшитаман. Машҳур ҳофизларимизнинг ижросидан баҳраманд бўламан, завқланаман.

Маълумки, мумтоз мусиқамиз юксак намуналарининг кўпи Амир Темур салтанати — Иккинчи Уйғониш даврида шаклланган ва ривожланган. Бу ҳақда Абдулқодир Мароғий, Абдураҳмон Жомий ва бошқаларнинг асарларида муфассал ҳикоя қилинади.

Аммо, афсуски, дунёни лол қолдирган мақом санъатимиз ҳам ўз тарихий ривожланиш йўлида худди Наврўзимиз каби оғир синовлар, тазйиқларга дуч келди. Унга шўролар даврида бир муддат “хону амирларнинг сарой мусиқаси”, “феодализм сарқити” деган қарашлар ҳам бўлган. Шу боис, Тошкент давлат консерваториясида ўша даврларда мақом бўлими ёки факультети бўлмаган. Истеъдодли хонанда, профессор Салоҳиддин Азизбоевнинг айтишича, Ўзбекистон давлат консерваториясида “Шарқ мусиқаси” кафедрасини очиш учун Москвага бориб, рухсат олинган экан.

Шукрки, Ўзбекистонда мақомнинг етук билимдонлари ва ижрочилари заҳматлари, жонкуярликлари туфайли бу санъат яшаб келди ва халқаро эътирофга сазовор бўлди. Айниқса, сўнгги йилларда мақом санъати тарғиботига давлатимиз томонидан юксак эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида таъкидлаб ўтилганидек, “Асрлар давомида улуғ шоир ва олимлар, моҳир бастакорлар, ҳофиз ва созандаларнинг машаққатли меҳнати ва фидойилиги, ижодий тафаккури билан сайқал топиб келаётган ушбу ноёб санъат нафақат юртимиз ва шарқ мамлакатларида, балки дунё миқёсида катта шуҳрат ва эътибор қозонган. Мақом санъатининг гултожи бўлган “Шашмақом” ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатда эътироф этилгани ҳамда унинг Репрезентатик рўйхатига киритилгани бунинг яққол тасдиғидир”.

Президентимизнинг мазкур қарорига биноан, Ўзбек миллий мақом санъати маркази ташкил этилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йил 6 апрелда имзоланган “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида”ги қарорга асосан, ҳар икки йилда Шаҳрисабзда ушбу нуфузли халқаро фестивални ўтказиш йўлга қўйилди. Эндиликда мақом санъатига муҳаббат қўйган ёш созандалару хонандалар Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида етук мутахассислардан ҳам назарий, ҳам ижрочилик бобида билим олмоқда. Турли танловлар, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар эса “устоз — шогирд” анъаналари ҳаётимиздан янада мустаҳкам ўрин олиши учун муҳим омил ва туртки бўляпти.

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тожикистонга расмий ташрифи асносида Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг ҳамкорлик йўналишлари хусусида сўз юритиб, адабиёт ва санъат борасидаги алоқаларни ҳам янги босқичга кўтариш муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Жумладан, Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида тожикистонлик талабаларни тайёрлаш йўлга қўйилади. Икки мамлакат раҳбарлари ҳузурида ташкил этилган шукуҳли концерт дастурида эса ўзбек ва тожик мақом санъати вакиллари ижросида мумтоз қўшиқлар янгради. Демак, мақомнинг мақоми тобора юксалиб бормоқда.

## Олам чексизлигининг рамзий ифодаси

**Латофат ТОЛИБЖОНОВА,**
**мусиқашунос, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ўқитувчиси**

**Сўнгги пайтларда Ўзбекистонда илгари сурилаётган Учинчи Ренессанс ғояси кўп жиҳатлари билан қадимдан келаётган мусиқий қадриятларимизга тааллуқлидир.**

Айни вақтда, мумтоз мусиқамизни Ўзбекистоннинг тарихий тамаддуни, маънавият ва фалсафа оламидан ташқарида тасаввур этиш мушкул. Негаки, мусиқани фақат товуш билан боғлиқ ҳодиса сифатидагина тушуниш уни тўлиғича идрок этиш қамровини анчайин чеклаш демакдир.

Ўзбек мумтоз мусиқасининг тарихи Ўзбекистон Мустақиллиги тарихидан анча узун. Аммо ана шу оз муддат ичида миллий қадриятларимиз қимматини тиклаш соҳасида қилинган ишлар узоқ тарихга татигуликдир. Айниқса, сўнгги йилларда шу қадар муҳим ўзгаришлар рўй бердики, жаҳон мусиқий харитасида янги ном-нишонлар, янги урф-одатлар юзага келди ва Ўзбекистоннинг мусиқий қиёфаси бошқача тасаввур этиладиган бўлди.

Миллий мумтоз мусиқамизнинг давлат миқёсида эътибор марказига олиниши — Президентимизнинг мақом нуфузини оширишга қаратилган “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори жаҳоншумул тарихий воқеа бўлди. 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари соҳа ривожи йўлида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрдаги "Мақом санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни ташкил этиш тўғрисида"ги, 2020 йил 2 сентябрдаги "Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари ҳам бу борада алоҳида аҳамият касб этди.

Мақом ва бахшичилик санъати соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, таълим жараёнига ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, соҳа мутахассисларининг илмий салоҳиятини янада ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Айнан шу мақсадда Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги қарори асосида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилди.

2020/2021 ўқув йилида институтнинг бакалавриат ва магистратура йўналишларига жами 151 нафар талаба қабул қилинди. Бакалавриатга қабул қилинган 134 нафар талабанинг 25 нафари давлат гранти асосида таҳсил оляпти. Сиртқи таълим шаклига беш йил мусиқа соҳасида педагогик иш стажига эга бўлган фуқаролар орасидан суҳбат асосида 25 нафар талаба ўқишга қабул қилинди.

Қувонарлиси шундаки, юртимизда маданият ва санъатга, жумладан, миллий мусиқа санъатимизга юксак эътибор намунаси сифатида 2021/2022 ўқув йилида институтнинг қабул квотаси оширилди. Янги ўқув йилида жами 155 та жой ажратилган бўлса, шундан 80 таси давлат гранти ҳисобланади.

Таълим жараёнига соҳанинг энг етук мутахассислари, профессор-ўқитувчилар жалб этилган. Институтнинг “Ўзбек миллий мусиқа санъати” факультети таркибида айни пайтда “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси”, “Мақом хонандалиги”, “Мақом чолғу ижрочилиги”, “Достон ижрочилиги”, “Вокал ва чолғу ижрочилиги педагоглари тайёрлаш” каби кафедралар мавжуд. Институтда профессор-ўқитувчиларимиз замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс ўтишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Хоналар электрон интерактив доскалар, видеопроектор, мультимедиа мосламалари билан жиҳозланган.

Мақом таълимига ихтисослашган ўрта ва таянч олий ўқув юртларининг пайдо бўлиши ўзбек мусиқаси, унинг тарихи, назарий асослари, фалсафий моҳиятини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Шунингдек, маданиятимиз, қарашларимиз яқин бўлган қўшни мамлакатлар билан дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишида ҳам бу муҳим омил бўлади. Жумладан, жорий йил 24-28 апрель кунлари Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти профессор-ўқитувчилари ва Ўзбек миллий мақом санъати маркази устозлари иштирокида Т. Саттаров номидаги Тожикистон миллий консерваторияси, Тожикистон Давлат маданият ва санъат институти ҳамда Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми икки давлатнинг санъат олийгоҳлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўртасида ўзаро фикр алмашиш, биргаликда ижод қилиш, мумтоз мусиқа санъатини нафақат икки қардош халқ доирасида, балки, жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишни таъминлашга хизмат қилади.

Шу ўринда фахр билан айтишни истардикки, мусиқа йўналиши бўйича ўтказилган халқаро танловларда 4 нафар бахши талабамиз 1-ўринни қўлга киритди. Бундан ташқари, Қозоғистон, Афғонистон давлатлари билан ҳам ҳамкорлик ривожланиб боряпти. Бундай эзгу ишлар замирида ёшларни фақат ва фақат ватанга муҳаббат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, боқий меросимизни асраб-авайлаш ўз ифодасини топгани янада аҳамиятлидир.

ФАРМОН ВА ИЖРО

# ТАКОМИЛ ТАЛАБИДАГИ ТИЗИМ

## халқаро андозаларга мослашган, мувофиқликни баҳолаш жараёнларига замонавий услубларни жорий қилган бўлиши лозим

Бошланиши 1-бетда

### Техник жиҳатдан тартибга солиш қандай мақсадларга хизмат қилади?

Амалдаги ҳуқуқий тушунчаларга кўра, техник жиҳатдан тартибга солиш — маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажаришни назарда тутади. Ушбу тизим миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, саноатни замонавийлаштириш, маҳсулот ва уни ишлаб чиқариш жараёнлари хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Шу боис, мамлакатимизда ҳам техник тартибга солишни жаҳон ҳамжамияти тан олган тамойиллар асосида ислоҳ қилиш ва уларга мувофиқлаштириш доимо эътибор марказида бўлиб келяпти.

Юртимизда кейинги йилларда мавжуд 30 мингга яқин стандартнинг 19 мингтаси халқаро нормалар билан уйғунлаштирилди ва реестри шакллантирилди. Эскирган, бозор иқтисодиёти механизмларига салбий таъсир кўрсатадиган 5 минг 600 та стандарт амалиётдан чиқарилди, 3 минг 500 таси замон талаблари асосида такомиллаштирилди. Халқаро аналогларга мувофиқ қўшимча 26 та техник регламент ишлаб чиқилди.

Президентимизнинг жорий йил 17 май куни техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология миллий тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тақдимоти билан танишиши чоғида бу каби ижобий ишлар қайд этилар экан, соҳани такомиллаштиришда жаҳон тажрибасидан фойдаланишга алоҳида урғу берилди. Масалан, Европада фақатгина 28 турдаги хавфлилик даражаси юқори бўлган маҳсулот мажбурий сертификатланади, қолган барча турдаги товарлар мувофиқлиги декларациялаш орқали тасдиқланади.

Тақдимотда шундай тизимни тажриба-синов тариқасида амалиётга киритиш зарурлиги қайд этилди. Дастлабки босқичда 800 га яқин маҳсулот тури бўйича декларациялаш тартиби жорий этилади. Халқаро талаблар билан уйғунлашмаган бошқа 11 мингта миллий стандарт ўрнига халқаро стандартларни қабул қилиш ҳамда 2023 йилдан барча корхоналарни ушбу мезонларга ўтказиш бўйича кўрсатма берилди.

Президентимизнинг "Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонининг асосий мақсади, энг аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган миллий маҳсулотларимизнинг сифатини ошириш, жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган. Албатта, бу ишлар ижодкори ва маҳсулотлар яратувчиси тадбиркору ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади. Шу боис, мазкур ҳужжатда ҳам уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саноат корхоналари билан тизимли ишларни ташкил этишга алоҳида аҳамият берилиб, бу борадаги ишлар "Ўзстандарт" агентлиги негизида ташкил этилган Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги зиммасига юклатилди. Бинобарин, тадбиркор ва ишлаб чиқарувчиларга берилаётган қулайликлар янада кенгайтирилди.

### Мажбурийликдан ихтиёрийликка

Мамлакатимиз қонунчилигида маҳсулот сифатини тасдиқлашнинг иккита усули — мувофиқлик сертификати ва мувофиқликни тасдиқловчи декларация қабул қилинган. Мажбурий тартибда сертификатлаштириладиган, шунингдек, мувофиқлиги декларация билан тасдиқланиши мумкин бўлган маҳсулотлар рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан шакллантирилади.

Сертификат сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, "тўғри бажарилган" маъносини англатади. Маҳсулот "тўғри бажарилганлигини" аниқлаш учун сертификатлаштириш жараёни амалга оширилади ва мутассадди идора томонидан берилган ҳужжат орқали унинг амалдаги тартиб-тамойилларга мувофиқлиги тасдиқланади. Шунинг учун унда келтирилган маълумотларга нафақат ишлаб чиқарувчи, балки уни расмийлаштирган сертификатлаштириш идораси ҳам масъул ҳисобланади.

— Жаҳон тажрибасида техник тартибга солишда давлатнинг роли кўзга ташланади, тегишли қонунчилик яратилади ва унга риоя этилиши устидан назоратни ўрнатади, — дейди Германия Федерал физика-техник институти сифат инфратузилмаси ва метрология умумий масалалари бўйича халқаро эксперти Клименс Санетра. — Стандартлаштиришда эса давлат ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчилар каби манфаатдор иштирокчилардан бири саналади. Натижада бу ерда консессус пайдо бўлади. Стандартлаштириш идорасининг бу ердаги вазифаси томонларнинг консессусга келишини таъминлашдан иборат. Техник тартибга солиш мажбурий, стандартлаштириш эса ихтиёрий ҳисобланади. Масаланинг иккинчи томони маҳсулот ёки хизматларнинг хавфсизлиги ва сифати билан боғлиқ. Бунда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан давлат уларни тартибга солиши керак.



Экспертнинг таъкидлашича, Германияда техник тартибга солиш ишлари ҳар бир соҳанинг эгаси бўлган идора томонидан олиб борилади. Стандартлаштириш жараёни кўпгина Европа Иттифоқи мамлакатларида давлат ҳамда хусусий ташкилотлар томонидан амалга оширилади ва баъзида давлат кўмагига таяниши ҳам мумкин. Ҳар бир соҳа бўйича тегишли давлат органи томонидан самарали техник регламентлар ҳаётга татбиқ этилса, мамлакатда техник жиҳатдан тартибга солишнинг мажмуаси юзага келади.

Юқорида қайд этилган фармонга кўра ҳам соҳага ана шундай ихтиёрийлик тамойили кириб келяпти. Хусусан, санитария-эпидемиологик хулосаси мажбурий тартибда олиниши лозим бўлган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан мувофиқлик сертификатини олиш ихтиёрий равишда амалга оширилади. Бунда, ушбу маҳсулотларни тайёрловчилар (ишлаб чиқарувчилар), етказиб берувчилар ва сотувчилар уларнинг техник регламентлар ва стандартлар билан белгиланган мажбурий талабларга мувофиқлигини таъминлаш учун ўзлари жавобгар ҳисобланади.

Маҳсулотнинг норматив ҳужжат талабларига мувофиқлигини нафақат сертификатлаштириш, балки декларациялаш йўли билан ҳам тасдиқлаш мумкин. Декларация сўзи француз тилидан олинган бўлиб, "эълон қилиш" маъносини англатади.

Мувофиқлик тўғрисидаги декларацияга ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки ижрочи маҳсулотнинг норматив-ҳуқуқий меъёрлар, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги талабларга мувофиқлигини тасдиқлайдиган ҳужжат сифатида қаралади.

— Фармонга биноан, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб айрим турдаги хавфлилик даражаси юқори бўлмаган маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш мувофиқликни декларациялаш йўли орқали татбиқ этилади, — дейди Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директори Дилшод Сатторов. — Бу жараён маҳсулотнинг тўлиқ синовлари ўтказилгандан сўнг, унинг ижобий натижаларига кўра, тузиладиган баённомалар асосида мувофиқлик сертификати берилмаган ҳолда амалга оширилади.

2021 йил 1 ноябрдан бошлаб импорт қилувчиларга қулайлик яратиш ҳамда ички бозорга сифатли ва хавфсиз маҳсулотларнинг кириб келишини таъминлаш мақсадида хавфлилик даражаси юқори бўлган айрим турдаги маҳсулотлар давлат рўйхатидан ўтказгандан сўнг республика ҳудудига эркин муомалага чиқариш (жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрлар доирасида олиб келинган маҳсулотлар бундан мустасно) тартиби жорий этилади. Бунинг учун республика ҳудудига олиб кирилаётган шу турдаги маҳсулотлар божхона ҳудудига келишидан камида 15 кун олдин божхона электрон дастурига жойлаштирилиши шарт бўлади.

Хавфлилик даражаси юқори бўлмаган айрим турдаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасининг резиденти ҳисобланган аккредитация қилинган мувофиқликни баҳолаш органларида мувофиқлик сертификатини (амал қилиш муддатидан қатъи назар) бир марта расмийлаштирган ҳолда йигирма тўрт ой давомида импорт қилишга рухсат этилади. Лекин шу ўринда қайд этиш жоиз, мазкур тартиб мувофиқлик сертификатида кўрсатилган айнан бир ишлаб чиқарувчининг маҳсулот турларига нисбатан амал қилади ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун ушбу товарларни олиб кираётган тадбиркорлик субъектлари жавобгар ҳисобланади.

Техник регламентлар, стандартлар ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган мажбурий талабларга номувофиқ деб топилган маҳсулотлар рўйхатини юритиш Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ёки унинг тузилмасидаги ваколатли ташкилотлар, вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан ташкилот стандартларини экспертизадан ўтказиш ишлари ҳақ олмасдан амалга оширилади. Уларда белгиланадиган кўрсаткичлар (талаблар) тегишли маҳсулотларга оид стандартлар талабларидан паст бўлган ҳолларда, ушбу мувофиқлигини тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

### Халқаро ҳамкорлик ва қўшимча ваколатлар

Айни кунда мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши доирасида олиб борилаётган музокаралари фаол босқичга чиққан. Яқинда эса, Ўзбекистонга Европа Иттифоқи томонидан "GSP+" преференциялар бош тизими бенефициар мақоми берилди. Бу жиҳатлар техник регламентларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, уларни халқаро техник қоидалар билан уйғунлаштириш орқали ички ва ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишни долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўймоқда. Масалан, жорий йил охирига қадар техник регламентлар сони 19 тага оширилгани ҳолда, сертификатлар миқдорини 157,7 мингтадан 94,6 мингтага камайтириш кўзда тутилмоқда.

Зеро, техник жиҳатдан тартибга солиш тизимининг халқаро талабларга мослашуви Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти, Европа Иттифоқи, Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлигида муҳим ўрин тутади, ишлаб чиқариш ва технологик алоқаларни янада кенгайтириш ҳамда мавжуд ўзаро савдо тўсиқларини олиб ташлаш учун қулай шароит яратади.

— Фармонда кўзда тутилган яна бир муҳим жиҳат шундаки, — дейди Дилшод Сатторов, — халқаро ILAC/IAF ташкилотлари аъзоси ҳисобланган аккредитация идораси томонидан аккредитация қилинган Ўзбекистон Республикаси резидентлари — мувофиқликни баҳолаш органларига миллий аккредитациядан ўтмаган ҳолда, Ўзбекистон аккредитация марказини хабардор қилиб, мувофиқликни баҳолашга доир ишларни бажаришга рухсат берилди. Шу билан бирга, маҳаллий мувофиқликни баҳолаш органларида маҳсулотнинг хорижий давлатларнинг стандартларига мувофиқлигини баҳолаш учун хорижий давлатлар стандартларининг Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб қилинмайди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига 2021 йил 1 июлга қадар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни қабул қилиш тартибини халқаро талаблар асосида соддалаштириш бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиши белгиланган.

Халқаро савдо хуқуқи бўйича USAID эксперти Йован Йекич техник жиҳатдан тартибга солиш ва стандартлаштиришнинг миллий қонунчиликда алоҳида акс эттириш муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлайди.

— Чунки, бу тизим нафақат илғор тажриба, балки Жаҳон савдо ташкилоти талабларидан бири ҳисобланади, — дейди у. — Ҳозир Ўзбекистонда бу соҳада тўртта қонун мавжуд бўлиб, уларга тегишли ўзгартиришларни киритиш ёки унификациялаш мақсадга мувофиқ. Айрим мажбурий стандартларни техник жиҳатдан тартибга солишга айлантириш, вақти келиб уларни ҳам ўз-ўзидан ихтиёрийга ўтказиш учун шароит яратиш фойдадан холи бўлмайди. Буларнинг барчаси, албатта, қонунчиликда ҳам ўз ифодасини топиши лозим.

Мазкур фармон билан агентлик зиммасига қўшимча ваколатлар ҳам юклатилди. Яъни, мутасадди идоралар томонидан халқаро стандартлар ва техник регламентларнинг жадал жорий этилишини мувофиқлаштириб бориш, маҳсулотларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида ва техник регламентларда белгиланган мажбурий талабларни бузганликда айбдор бўлган тайёрловчилар (ишлаб чиқарувчилар), сотувчилар ва ижрочиларга нисбатан молиявий санкцияларни қўллаш бўйича судга мурожаат қилишимиз мумкин бўлади. Агар корхоналар техник регламент ва стандартлар талабларига риоя этмаган тақдирда уларнинг раҳбарларига тақдимномалар киритиш, белгиланган мажбурий талабларга номувофиқ деб топилган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва реестрини юритиш ҳуқуқи берилди.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ



# ИЛК ТУТЧИЛИК КЛАСТЕРИ

## кўп йиллик тажриба ва замонавий технологиялар асосида иш бошлади



Бошланиши 1-бетда

Бу йилги пилла етиштириш мавсуми аввалгиларидан анча фарқли ўтмоқда. Соҳада инновацион янгилик, замонавий технологияларнинг жорий этилиши ҳисобига бир йилда тўрт мартагача ипак қуртини парваришлаш ва пилла етиштириш тизими йўлга қўйилди. Бу эса озуқа базасига бўлган талабни янада оширмоқда. Шу боис, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси томонидан юртимиз об-ҳавосига мос тут дарахтларининг янги ҳосилдор навларини яратиш ва кўпайтириш борасида ишлар олиб борилямти. Хусусан, жорий йилда Андижон вилояти Марҳамат туманида республикадаги биринчи тутчилик кластери фаолияти йўлга қўйилди.



Умумий майдони 30 гектардан иборат кластерда кўчатзор, тажриба ва алмашлаб экиш майдонлари мавжуд. Уруғчилик учун тутзор, тут кўчатлари етиштириш ва ҳосилдорлигини ошириш мақсадида пайванд усулида янги навлар яратиш ишлари олиб борилмоқда. Корхонада 12 нафар доимий, 154 нафар мавсумий иш ўринлари яратилган.

Озуқа базасини янада ривожлантириш пилла етиштириш ҳажмини кўпайтиришнинг асосий омили саналади. Ҳудудларда тутзорлар сонининг аввалги йилларга нисбатан ортиб бораётгани боиси ҳам ана шунда.

Кластерда касалликка ҳамда иссиқсовуққа чидамли серҳосил тут навлари етиштирилади. У йилига 3 миллион дона тут кўчати, 400 килограмм тут уруғи ҳамда 1,5 миллион дона "Марҳамат — 2017" нави куртакларини тайёрлаш қувватига эга.

Тут кўчатлари асосан икки усул — уруғидан ва пайванд усулида етиштирилади. Мутахассисларнинг айтишича, ниҳоллар уруғидан кўпайтирилганида 2 йилда тайёр бўлса, пайванд усулида кўчат олиш учун 3 йил вақт керак бўлади. Янги тут навларини яратишда эса селекция усулида чанглатиш ва танлаб олиш тажрибасидан фойдаланилади. Бу борадаги изланишлар Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Тутчилик кластери раҳбари Абдуфаттоҳ Мусулмонқулов шу соҳада узоқ йиллик тажрибага эга агрономлардан. У илк иш фаолиятини сифатли тут кўчатлари етиштириш ва хорижга экспорт қилишдан бошлаган.

— 1999 йилда "Ипак" фермер хўжалигини ташкил этдик, — дейди Абдуфаттоҳ ака. — Ўтган йиллар давомида бу ерда тут селекцияси, уруғчилиги, тут ниҳоли ва кўчатчилиги йўлга қўйилди. Кейинчалик унинг фаолияти кенгайиб, замонавий технологиялар билан бойитилиши ҳисобига, жорий йилда кластер мақоми берилди. Эндиликда, биз нафақат тут кўчатлари етиштириш, балки тайёр хомашё олишга ҳам ихтисослашяпмиз. Ҳозирда кластерда бир қанча инновацион технологиялар, хусусан, тут уруғларини касета усулида экиш, навли тут меваси уруғини замонавий дастгоҳ орқали ажратиб олишдан фойдаланилмоқда.

Бу ерда айни пайтда янги лойиҳаларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилган. Унга кўра, 0,5 гектар майдонда бунёд этилаётган иссиқхонада 2 миллион дона тут кўчати етиштирилади. Корхонада умумий қиймати 2 миллиард сўмга тенг лаборатория ҳам ташкил этилмоқда. Унда "InVitro" усулида йилига 5,5 миллион дона ҳосилдор навли тут кўчатларини парваришлаш йўлга қўйилади. Таҳлилларга кўра, оддий усулда бир йилда бир марта тут кўчати етиштирилиб, 1 гектардан 12,5 тонна ҳосил олинса, "InVitro" усулида йилига 4-5 марта кўчат тайёрлаб, ҳосилдорликни 25 тоннага етказиш имконияти мавжуд. Кластер лабораториясида етиштириладиган кўчатларни Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Озарбайжон каби давлатларга экспорт қилиш режалаштирилган.



Бундан ташқари, кластерда тут дарахти меваси, барги, илдизи, пўстлоғи ва замбуруғидан инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Бу маҳсулотлар фармацевтикада қўлланилиб, кўплаб касалликларга шифо бўлиши ўрганилган.

Мамлакатимиздаги биринчи тутчилик кластери тармоқда ижобий тажриба бўлиши кутилмоқда. Хомашё етиштиришдан тортиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённинг бир нуқтада жамланиши тизим имкониятларини кенгайтириш баробарида, оилаларни доимий даромад манбаи билан таъминлашга хизмат қилади. Кластер тўлиқ қувватда ишлай бошлагач, тумандаги 500 нафарга яқин киши доимий ва мавсумий иш ўринлари билан таъминланади.

**Ирода ТОШМАТОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**






ЁШЛАР ВА АЁЛЛАР БАНДЛИГИ

# “ИЖТИМОИЙ ШАРТНОМА”: ижтимоий ҳимоя ва бандликни таъминлаш борасида янги механизм

Ҳар қандай мамлакатда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифалари учрайди. Адолатли жамият ҳамиша уларни ҳимоя қилишни ўз зиммасига олиб келган. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра, 2020 йилнинг январь–июнь ойларида мамлакатимизда ишсизлик даражаси 13,2 фоиз бўлган, иш билан таъминланишга муҳтожлар сони 1,94 миллион кишигача ортган. Ёшлар орасида ишсизлик даражаси эса 20,1 фоизни ташкил қилган.

Ўтган йиллар тажрибаси аёллар ва ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишда фақат турли нафақа ва тўловлар тўлаш билан чегараланиб қолмасдан, юқори самарали меҳнат қилишлари учун уларга иқтисодий, ташкилий, руҳий ва ҳуқуқий шароитлар яратиш ҳамда боқимандалик кайфиятидан халос қилишга йўналтирилган янги механизм ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

## ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Мазкур тизимнинг шартлари у қадар мураккаб эмас. Ижтимоий шартнома маҳаллий меҳнат органларига давлат маблағлари ҳисобидан субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловлар ажратилишини сўраб мурожаат этган барча банд бўлмаган аҳоли билан тузилади. Ушбу шартномани амалга оширишда банд бўлмаган аҳоли белгиланган рўйхат асосида субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловлар турини ихтиёрий равишда ўзи танлайди. Ундаги шартлар бажарилиши устидан эса, маҳаллий меҳнат органи инспектори томонидан мониторинг олиб борилади.

Туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази зиммасига ижтимоий шартнома имзоланганидан сўнг унда белгиланган субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловларни қонунчиликда белгиланган тартибда тўлаб бериш, уларнинг ажратилиши ҳисобига банд бўлмаган аҳолига тегишли хизматлар ўз вақтида ва тўлиқ кўрсатилиши устидан назорат ўрнатиш мажбурияти юкланади.

— Ушбу шартномадан фойдаланувчи аҳоли эса субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловлар турига қараб, муайян шартларни бажариши керак. Айтайлик, ишсизлик нафақасини олган фуқаро фаол иш қидириши ва маҳаллий меҳнат органлари томонидан таклиф қилинган мақбул иш ўринларига ишга жойлашиши лозим. Бошқа йўналишда ёрдам олганлар якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, кичик корхоналар ва микрофирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиши керак. Кредит расмийлаштиришда суғурта полиси тўлови, давлат рўйхатидан ўтгандан кейин уч ой давомида ижара тўловини қоплаш учун субсидия ажратилганидан сўнг тадбиркорлик фаолияти билан фаол шуғулланиши талаб этилади. Шунингдек, субсидия ҳисобига енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатилганидан ҳамда суғориш воситалари, уруғликлар ва кўчатлар сотиб олинганидан сўнг шахсий томорқасидан самарали фойдаланиши жиддий назорат қилинади, — дейди суҳбатдошимиз.

## ЯНГИ МЕХАНИЗМ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 8 октябрда жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхати акс этган “Темир дафтар” каби алоҳида ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”ни шакллантириш ва унда “ижтимоий контракт” тажрибасини кенг қўллаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Қолаверса, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастурида, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Давлат маблағлари ҳисобидан банд бўлмаган аҳолига берилаётган субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида бу борадаги вазифалар ижроси ўзининг амалий ифодасини топди. Унда давлат маблағлари ҳисобидан ажратилаётган субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловларни олувчи банд бўлмаган аҳоли билан ижтимоий контракт тузиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом, ижтимоий шартнома тузиш амалиёти тажриба-синов тариқасида жорий этилаётган туман (шаҳар)лар ҳамда ижтимоий шартнома тузган ҳолда давлат маблағлари ҳисобидан ажратиладиган субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловлар рўйхати белгилаб берилди.

— Ижтимоий шартнома — мақсадли ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар ва давлат (аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органи вакили) ўртасидаги ўзаро мажбуриятлар тўғрисидаги битим, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими Хуршида Сайдивалиева. — Шартнома ҳар бир қийин ҳаётий вазиятни ўзгартириш учун зарур бўладиган ҳаракатлар ва бу борадаги ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни белгилайди. Кам таъминланган фуқаро ёки оиланинг ижтимоий ҳолатини фаоллаштириш орқали мақсадли ижтимоий ёрдам олувчининг молиявий ҳолатини яхшилаш ва аста-секин ўз-ўзини таъминлашга ўтишига замин яратади. Мазкур шартнома аҳолини ижтимоий ҳимоя қилувчи давлат органи ва ижтимоий ёрдамни олувчи (ва унинг оиласи) ўртасида тузиладиган, ижтимоий мослашув дастурини ҳамда тарафларнинг ўзаро мажбуриятларини қамраб олувчи ҳужжат бўлиб, унга кўра, давлат ижтимоий ёрдам олувчига пул ва моддий ёрдам кўрсатиши, ижтимоий ёрдам олувчи (ва унинг оила аъзолари) эса ижтимоий мослашув дастурида кўрсатиб ўтилган мажбуриятларни бажариши шарт ҳисобланади.

## ҚАЙСИ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ?

Ҳар қандай мамлакат ҳаётига янги тизим ёки механизм жорий қилинишидан олдин ривожланган ёки ривожланаётган давлатлар тажрибаси ўрганилади, уларнинг мақбул жиҳатлари олинади.

— Ижтимоий шартномага оид хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил этилди, — дейди Хуршида Сайдивалиева. — Ўрганишлар шуни кўрсатдики, улар тажрибасида ижтимоий ёрдамнинг икки асосий модели — универсал (ҳар қандай чекловларсиз барчага ижтимоий ёрдам кўрсатиш: давлат нафақалари, мажбурий ижтимоий суғурта, пенсия таъминоти) ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган (аҳолининг реал даромади ва харажатларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий ёрдам кўрсатиш) турлари мавжуд.

Шунингдек, беғараз ижтимоий нафақалар тақдим этишни кўзда тутувчи, ижтимоий ёрдамни қабул қилиб олувчининг муайян шартларга мувофиқлигига боғлиқ бўлган дастурлар ҳам кўздан кечирилди. Бу “New Deal” (Буюк Британия), “Камбағалсиз қишлоқ” (Хитой), “Оилавий ҳамён” (Бразилия), “Progress” (Мексика), “Ҳамжиҳатлик” (Чили), шунингдек, “Фаол ҳамжиҳатлик даромади” (Франция) сингари дастурлардир. Хитой тажрибасидаги камбағал аҳолини тоифаларга бўлиб рўйхатга олиш ва уларни мажбурият асосида касб-ҳунарга ўргатиш, тадбиркорликка жалб қилиш, субсидия, нафақа, грантлар ажратиш каби жиҳатлар бугунги кунда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”ни шакллантиришда, қолаверса, ижтимоий контракт тизимида қўлланилмоқда.




## МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРИЛАДИГАН ЙЎНАЛИШЛАР

Энг аввало, ишсизлик нафақаси тўланади. Юқорида айтилганидек, турли кўринишдаги ёрдам пуллари аҳоли турмуш тарзини яхшилашда самарали ечим бўлмади. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий шартномада ўнлаб фаолият тури учун субсидия, грант, нафақа ва бошқа турдаги моддий ёрдам кўрсатилади. Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (баликчилик, қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик) етиштириш, тикувчилик, ҳунармандчилик ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ташкил этилган кооперативлар устав фондига улуш сифатида киритиш учун субсидия ажратилиши эътиборга молик жиҳатлардан. Қолаверса, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз фуқароларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўлови субсидия тарзида тўлаб берилади.

Тадбиркорлик кўникмасига эга бўлмаган, бу борада билимини ошириш зарурати бўлган ёшлар ёки аёллар моддий томонлама рағбатлантирилади. Касб-ҳунарга ўқитиш учун субсидия, грант, ўқиш харажатларини қоплаш учун тўловлар ва стипендиялар берилади. Ҳунарманд сифатида “Ҳунармандчилик” уюшмасида рўйхатдан ўтмоқчи, суғориш воситаларини харид қилмоқчи ёки уруғлик ва кўчатлар сотиб олмоқчи бўлганлар учун ҳам субсидиялар ажратилади.

Ижтимоий шартнома бир шахс билан бир йилда бир мартадан ортиқ тузилмайди. Узрсиз сабабларга кўра, контракт шартлари бажарилмаган тақдирда ажратилган субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловларнинг миқдори тўлиқ қайтариб олинади.

Ушбу механизм муваффақиятли йўлга қўйилса ва жиддий назоратга олинса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш билан банд бўлмаган қатлами ҳаёти фаоллашади, эртанги кунга ишончи янада ортади.

**Соҳиба МУЛЛАЕВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ТИББИЁТ

# КАРДИОЖАРРОҲЛИК — ТИББИЁТНИНГ ЎТА НОЗИК ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ЙЎНАЛИШИ

## У шифокордан юксак билим, тажриба ҳамда маҳорат талаб этади

**Сўнгги йилларда мамлакатимизда тиббиётнинг барча йўналишлари қатори кардиожарроҳлик ривожи ҳам алоҳида эътиборда.**

Авваллари кардиожарроҳликка ихтисослашган тиббиёт муассасалари, асосан, пойтахтимизда бўлиб, беморлар даволаниш мақсадида вилоятлардан узоқ йўл босиб келишга мажбур эди. Бугун эса, вилоятларда ҳам кардиожарроҳликка оид энг мураккаб амалиётлар муваффақиятли бажарилмоқда. Бу тармоқда хусусий сектор улушини ошириш, давлат-хусусий шериклик ҳамда институционал ва ҳуқуқий механизмлар яратилиши, кенг имтиёзлар тақдим этилиши самарасидир.

Бугунги кунда ўзбекистонлик шифокорлар, хусусан, кардиожарроҳларнинг хорижий мамлакатларда фаолият олиб бориши, тажриба ошириб қайтиши учун кенг шароитлар яратилмоқда. Шу билан бирга, чет эллик малакали ва тажрибали мутахассислар мамлакатимизда фаолият олиб боришлари учун ҳам барча имкониятлар мавжуд. Бу эса, ўз навбатида, ўзаро тажриба алмашиш, дунёнинг мазкур соҳа бўйича илғор ютуқларини мамлакатимиз тиббиётига кенг татбиқ этиш учун муҳим аҳамият касб этаётир.

Украиналик таниқли кардиожарроҳ Обейд Мустафо Абдураҳмон ҳам кўп йиллардан буён мамлакатимизда фаолият олиб бораётган хорижлик шифокорлардан. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази кардиохирургия бўлимида ишлаётган, 2019 йилда Ўзбекистоннинг “энг яхши жарроҳи” сифатида эътироф этилган шифокор билан суҳбатимиз унинг юртимиздаги фаолияти, шунингдек, кардиожарроҳлик йўналишида эришилаётган натижалар ҳамда мавжуд муаммолар ҳақида кечди.

**— Аввало, ўзингиз, фаолиятингиз ҳақида гапириб берсангиз.**

— Мен Ливанда туғилиб ўсган бўлсам-да, Украина фуқаросиман. Ливанда ўрта мактабда таҳсил олиб юрган кезларим шифокор бўлиш, оқ халат кийиб, беморларни даволаш ҳақида орзу қилардим. Бу орзу кейинчалик қатъий мақсадга айланди. Аввалига Украина Миллий тиббиёт университетида, сўнгра академик Н.Н.Амосов номидаги Юрак-қон томир жарроҳлиги институтида ўқидим. Бир муддат Украинада кардиожарроҳ сифатида фаолият юритдим. 2013 йилда Тошкентдаги Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази кардиохирургия бўлимига ишга таклиф қилиниб, ҳозирги кунга қадар мазкур шифохонада ишлаб келяпман.

**— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугун дунёда ўлим сабабларининг катта қисми юрак-қон томир тизими касалликлари билан боғлиқ. Бундай касалликлар кўпайишига, асосан, қандай омиллар сабаб бўляпти?**

— Юрак-қон томир касалликлари носоғлом турмуш тарзи, қон босими ошиши, қандли диабет, гиперлипидемия сингари омиллар таъсирида юзага келади. Турли зарарли одатлар — тамаки чекиш, спиртли ичимликларга ружу қўйиш, носоғлом овқатланиш, ортиқча вазн, жисмоний ҳаракатнинг камлиги ҳам шундай касалликлар вужудга келиши хавфини оширади. Унинг олдини олиш учун эса, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш керак.

**— Кардиожарроҳлик жарроҳликнинг бошқа йўналишларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?**

— Биласизми, жарроҳликнинг ҳар бир йўналиши ўзига хос мураккабликка эга. Лекин юрак — инсон организмидаги энг муҳим аъзо. У уриб турмас экан, ҳаёт тўхтайди. Шу боис, кардиожарроҳлик — тиббиётнинг ўта нозик ва масъулиятли йўналиши. У шифокордан юксак билим, тажриба ҳамда маҳорат талаб этади. Шу билан бирга, мазкур йўналишдаги илмий янгиликлардан хабардор бўлиш, уларни амалиётда қўллай олиш кўникмаси ва малакасини эгаллаб бориш жоиз. Шунинг учун тиббиёти ривожланган мамлакатларда илмий конференцияларда мунтазам иштирок этиб келаман. Хусусан, Франция, Польша, Россия, Украина каби давлатларда ўтказилган илмий анжуманларда қатнашганман.

Соҳада кўп йиллик тажрибага эга бўлсам ҳам ҳар сафар операция хонасига худди биринчи марта скальпель ушлаётгандек кираман. Бу ишимнинг ниҳоятда масъулиятли эканидан, албатта. Беморларнинг юрагини операция қилиб, шифо топишига сабабчи бўлганимдан, уларнинг менга миннатдорлик билдиришларидан кўнглим тоғдек кўтарилиб, чарчоқ ва ҳорғинлик бир зумда унутилади. Шундай лаҳзаларда шифокорлик касбини танлаганимдан, одамларнинг дардига дармон бўлаётганимдан фахрланиб кетаман.

**— Бугунги кунда юрак билан боғлиқ қандай турдаги операцияларни бажаряпсиз?**

— Аввалига юрак ишемик касаллиги бор беморларда операция ўтказган бўлсак, бугунги кунда юрак клапанини, кўтарилган аортани протезлашдан тортиб, туғма юрак парокларини операция қилиш билан боғлиқ мураккаб жарроҳлик амалиётини муваффақиятли бажариб келяпмиз.

Ўзбекистонда шу кунга қадар 2 минг нафардан зиёд беморда юрак билан боғлиқ операцияларни амалга оширдим.

**— Кардиожарроҳлик Ўзбекистонда қанчалик тараққий этмоқда?**

— Тан олиш керак, Ўзбекистонда фаолиятимни энди бошлаган пайтларда мамлакатда кардиожарроҳлик у қадар ривожланмаган эди. Лекин сўнгги йилларда бу борада катта ўсишга эришилмоқда, мазкур йўналиш Ўзбекистонда ҳам тобора тараққий этиб боряпти. Бугунги кунда мураккаб юрак операциялари нафақат бизнинг шифохонада, шунингдек, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкентдаги хусусий клиникалар, қолаверса, вилоятларда ҳам муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда.

**— Маҳаллий кардиожарроҳлар, хусусан, сиз билан елкама-елка фаолият юритаётган шифокорлар ишига қандай баҳо берасиз?**

— Ўзбекистонда тажрибали ва маҳоратли кардиожарроҳлар кўп. Агар ўзим фаолият юритаётган шифохона мисолида фикр юритадиган бўлсам, бу ерда мен билан бир сафда ишлаётган мутахассислар жуда малакали. Кардиожарроҳлик жамоавий спорт тури сингари уйғунликда, ўзаро ҳамжиҳатлик асосида ишлашни талаб қиладиган соҳа. Жамоа қанчалик кучли, ҳамжиҳат бўлса, муваффақиятга эришилади. Бизда ана шундай жамоа шаклланган, десам муболаға бўлмайди. Ўзимдан ёш мутахассисларга эса, орттирган тажрибамдан келиб чиқиб, тегишли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар бериб келяпман.

**— Бугунги кунда Ўзбекистонда кардиожарроҳлик йўналишида қандай муаммолар мавжуд, деб ўйлайсиз?**

— Дунёнинг ривожланган давлатларида амалга ошириладиган энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари малакали мутахассислар томонидан Ўзбекистоннинг кўплаб шифохоналари, клиникаларида ҳам амалга оширилмоқда. Бунинг учун давлатингиз томонидан керакли сармоя ажратилиб, шарт-шароитлар яратилган, кадрлар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ўзбекистонда халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган тиббиёт муассасалари фаолият юритмоқда.



Мамлакатда авваллари кардиожарроҳлик йўналишида кадрлар етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд эди. Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мазкур йўналиш бўйича кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш тизимининг кучайтирилиши орқали мазкур камчиликлар бартараф этиляпти. Шу билан бирга, ҳудудларда кардиохирургия йўналишига ихтисослаштирилган шифохоналар сони ошиб, уларга малакали кардиожарроҳлар жалб қилинмоқда. Бу эса, беморларнинг операция учун вақт ва катта маблағ сарфлаб пойтахтга келишларининг олдини олиш, ўз ҳудудида малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имконини беради.

Яна бир масала кардиожарроҳлик учун зарур бўладиган тиббий материаллар нархининг қимматлиги билан боғлиқ. Шундай бўлса-да, ҳукуматнинг эътибори ва ёрдами билан мазкур муаммолар ўз ечимини топиб бормоқда.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири**
**Шаҳзод ҒАФФОРОВ суҳбатлашди.**



## ҲАР МАНЗИЛ, ҲАР ГЎШАНГ АЗИЗДИР, ВАТАН!

# ЯНГИЛАНАЁТГАН УРГАНЧ

## КУН САЙИН ҚИЁФАСИ ЎЗГАРМОҚДА

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Мамлакатимиз шимолида жойлашган вилоят маркази — Урганч ҳудуддаги энг ёш шаҳарлардан бири. Сўнгги йиллардаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари туфайли унинг қиёфаси бутунлай ўзгарди.**






Минтақадаги энг ҳашаматли ва баланд ёдгорлик — Жалолиддин Мангуберди ҳайкали шаҳарнинг кўрки! Эндиликда янги майдонда машҳур саркарданинг янада баландроқ — 25 метрли бронза ҳайкали ўрнатилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан уч йил олдин қурилган Охунд бобо жомеъ масжиди ҳам шаҳарнинг нафақат маҳаллий, балки хорижлик сайёҳлар аримайдиган қадамжоларидан бирига айланди.

Ер ости суви нисбатан яқинлиги учун ҳудудда шу кунгача атиги иккитагина ер ости ўтиш йўли бўларди. Эндиликда шаҳарнинг бош майдони тагидан чинакамига жаҳоний андозадаги ер ости автомобиль йўли ўтказиляпти. Бу ҳам тамомила кутилмаган янгилик ва меъморчиликнинг бетакрор намунаси бўлади.

Гап қурилишлар ҳақида кетар экан, бу мавзуда соатлаб гапириш мумкин. Муқаддам шаҳарда кўпи билан беш қаватли турар жой бинолари қуриларди. Ундан баланд бинолар қуриш учун яна ўша ер ости сувлари яқинлиги тўсиқ бўларди. Янгича технологияларга асосланган бунёдкорлик жабҳасида шаҳарда етти ва тўққиз қаватли турар жойлар кўпаяётгани кишини ҳайратга солади.

Шаҳар бугун улкан қурилиш майдонини эслатади. Бир ёқда тадбиркорлар томонидан кўркам иншоотлар барпо этилаётган бўлса, яна бир томонда маданият-маърифат масканлари қад ростламоқда. Шаҳарни қоқ иккига бўлиб оқиб ўтувчи Шовот каналининг ҳар икки қирғоғи қисқа фурсатда шаҳарликлар ва сайёҳлар учун чинакамига ҳордиқ чиқариш масканига айланди. Бугун каналда қайиқлар қатнови йўлга қўйилган.

Яна бир сув ирмоғи — Қирғизёп ариғининг ҳар икки чеккасидаги кўримсиз ва бетартиб қурилган бир қаватли уйлар ўрнида етти қаватли, ўзида шарқона меъморчилик анъаналарини уйғунлаштирган турар жойлар кун сайин осмонга бўй чўзаётир.

Атиги уч йил олдин шаҳарнинг кунботар томонида ўн гектарча экин майдони бўлиб, бу майдонга пахта экиб келинарди. Президентимиз ташрифи чоғида ушбу ҳудудда бўлиб, берган топшириғи туфайли икки йил ичида гўё "шаҳар ичида шаҳар" қад ростлагани — барча қулайликларга эга бутун бир турар жой мажмуаси қурилганига гувоҳ бўлди.

Шаҳардаги Ёшлик мавзеси ўз номига жуда мос тушган. Бу ерда беш қаватли турар жойлар ва ҳудуддаги энг йирик "Ёшлик" спорт мажмуаси қурилдики, унда халқаро спорт мусобақалари ўтказиш одатий ҳолга айланди.

Урганч халқаро аэропортига келган чет эллик сайёҳ шаҳарга илк қадамини қўяркан, кўзи дастлаб юртнинг буюк алломалари — Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ёдгорликлари ва боғ-мажмуаларига тушади. Шаҳар марказига ҳар икки томонда шарқона услубда қурилган турар жойлар, меҳмонхоналар ва бошқа иншоотлар маржондек терилган Ал Хоразмий кўчаси бўйлаб кетаркан, мусиқий фаввора, марказий майдон, Авесто боғ-хиёбони, Жалолиддин Мангуберди майдони бўйлаб тўғри Урганч темир йўл вокзалига чиқади.



Шаҳарни кўрмоққа келган меҳмонлар учун ўзига хос ташриф қоғози бу кўча. Ўтган улуғлар хотираси ва замон эврилишлари мужассамлашган яхлит бир санъат асарига ўхшайди гўё.

Ёшлар кўли, Амир Темур номидаги истироҳат боғи, муҳташам деҳқон бозори ва яна ҳудудда янгилик бўлган "Экобозор" мажмуаси ҳақида батафсил айтмаяпмиз ҳали...

Бу улкан бунёдкорликлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбарининг ҳар ташрифи давомида берган топшириқлари ва кўрсатмалари, ҳудудни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишни кўзлаган тарихий фармон ва қарорларининг меваси булар!

Деярли ҳар ҳафтада шаҳарда бирор янги иншоот фойдаланишга топширилгани ҳақидаги хабарларга кўникиб бўлдик.

150 минг киши яшаётган шаҳарда ислоҳотлар қандай кечаётганини қуйидаги рақамлардан билиш мумкин: 2020 йилда шаҳардаги саноат корхоналари 1842,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Бу вилоятда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг деярли бешдан бири дегани. Ўтган йили




истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кўрсаткичи олдинги йилдагига нисбатан салкам 108 фоизни ташкил қилган.

Ишлаб чиқаришда хусусий секторнинг улуши салмоқли. Ҳозир шаҳарда 5277 та юридик шахс тадбиркорлик билан машғул. Ёки охирги беш йилда тадбиркорлик субъектлари сони 3360 тага кўпайди. Биргина ўтган йили 779 та янги корхона ва ташкилот рўйхатга олинди. Уларнинг аксари даврга мос равишда қурилиш ва саноат тармоқлари учун зарур бирламчи материаллар ишлаб чиқаряпти.

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида шаҳар чет эллик инвесторлар учун жозибадор ҳудуд мақомини олиб улгурдики, буни қуйидаги рақамлар аниқ-тиниқ кўрсатади: шаҳарда хорижий капитал иштирокида 55 та корхона фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 20 таси 2020 йилда иш бошлади. Бу корхоналарнинг 39 таси қўшма ва 16 таси хорижий корхона ҳисобланади. Уларнинг аксари саноат ва қурилиш соҳасида фаолият юритмоқда. Биргина ўтган йили тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 510,6 миллиард сўмни ташкил қилган.

Амалдаги йилда хорижий инвестициялар ҳисобидан ва бевосита хорижлик инвесторлар томонидан яна ўнта янги лойиҳани амалга ошириш режалаштириляпти.

Бугун шаҳарда мактабгача таълим ташкилотларига болаларни қамраб олиш кўрсаткичи деярли 97 фоизга етган ва шу йилнинг ўзидаёқ бу борада юз фоизлик довон босиб ўтилиши аниқ. Негаки, ҳозир давлат-хусусий шериклик асосида яна бешта мактабгача таълим ташкилоти барпо этилаётир.




Гапни бунёдкорликдан бошлаган эдик. Зеро, ҳар бир шаҳарнинг қиёфасини тубдан ўзгартирадиган омил ҳам қурилишлардир.

Ўтган йили умумий майдони 93,5 минг квадрат метр бўлган 480 та уй ўз эгаларига топширилди. Уларнинг 122 таси намунавий лойиҳалар асосида қурилган. Ёки биргина 2020 йилда 761,4 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Бу йилги кенг кўламли қурилишларнинг биринчи чоракдаги кўрсаткичларига назар солсак, йил янада салмоқли рақамлар билан якунланишига шубҳа йўқ.

Шаҳар ҳам эни, ҳам бўйига ўсаётгани, ўз навбатида, аҳоли сони ошиши учун катта имкониятдир. Ўтган йили Урганчда 1313 та никоҳ қайд қилинган, 3045 нафар чақалоқ дунёга келган ва, эътиборлиси, бир йил давомида 1899 нафар киши доимий яшаш учун вилоят марказига кўчиб келган.

Уч йил олдин шаҳардаги бунёдкорлик жараёни ҳақида ёзган бир мақоламизда: "Агар бир йил ўтказиб, шаҳарга йўлингиз тушса, уни танимай, адашиб қолишингиз мумкин", деган жумлаларни келтирган эдик. Энди эса...

Кун сайин янгиланаётган Урганчга бир ой вақт ўтказиб, қайта йўлингиз тушса, танимай, адашиб кетасиз, деган иштибоҳни қўшиб қўйсак, ҳақ гапни айтган бўламиз.



## ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

# ЭРКИН БОБОНИНГ ШАХМАТ ТЎГАРАГИ

**Усмонали НОРМАТОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Салкам етмиш ёшни қаршилаётган Эркин Кўчкинов қарийб чорак асрдан бери шахмат ўйнайди.**

У 1974 йилда собиқ Термиз давлат педагогика институти тарих-география факультетини битиргач, ўн йил Ангор туманидаги мактабларда ёшларга сабоқ берди. Кўчкинов саксонинчи йилларнинг ўрталаридан туманда турли лавозимларда ишлади.

2004 йили "Маҳалла" хайрия жамғармаси Сурхондарё вилояти бўлимига раҳбар бўлди. Бир йўла вилоят шахмат федерациясини ҳам бошқарди. Вилоят шахмат федерацияси ижрочи директори, шахмат бўйича мамлакат чемпиони, спорт устаси Набижон Норбоев бундай дейди:

— Гарчи шахмат спортнинг энг арзон тури бўлса-да, унинг ривожи учун ҳам, биринчи навбатда, маблағ керак. 2004-2011 йилларда Сурхондарё вилоятида шахмат федерацияси фаолияти анча жонланди. Ўтказиладиган вилоят чемпионати ва турнирларнинг ҳаммасига Эркин Кўчкинов маблағ ажратди, "Маҳалла" жамғармаси ҳисобига йиғилган хайрия маблағларидан мусобақаларни ўтказиш ва совриндорларни рағбатлантиришга ҳомийлик қилди. Айнан федерация раисининг қўллаб-қувватлаши билан сариосиёлик Бегали Саидов Ўзбекистон чемпиони бўлди, шахмат бўйича Испания ва Венгрияда ўтказилган жаҳон чемпионатларида ҳамда Ҳиндистонда бўлган Осиё чемпионатида қатнашди. Бундан ташқари, термизлик Хосият Ашурова етти карра вилоят чемпиони, Ирода Ибрагимова икки карра Ўзбекистон чемпиони бўлди. Ирода Туркияда ўтган Осиё чемпионатида ҳам иштирок этди. Деновлик Райҳон Дониёрова Ўзбекистон чемпиони ва Вьетнамда ўтказилган жаҳон чемпионати иштирокчисига айланди. Ангорлик Мафтуна Жонқулова сурхондарёлик хотин-қиз шахматчилар орасида биринчи бўлиб шахмат бўйича мамлакат чемпионати олий лига баҳсларида қатнашди. Деновдан Бобур Сатторов, Шерали Қаршиев, термизлик Инъом Шоймуродов каби ёш шахматчиларнинг танилишида Эркин ака Кўчкиновнинг хизматлари катта.

— Ўн тўрт ёшимда Денов туманига бориб, шахмат мактабида бир йилча шуғулландим. Чунки бу даргоҳда вилоятнинг иқтидорли ёш шахматчилари тўпланишганди. Боз устига, мактабда спорт устаси Комил Раҳматуллин, шахмат бўйича миллий тоифадаги ҳакам Одилбек Азизов ва бошқа тажрибали мураббийлар меҳнат қиларди. Ангордан Деновга қатнаб, маҳоратимни оширишга вилоят шахмат федерацияси раиси Эркин Кўчкинов кўмаклашган ва республика мусобақаларига боришимга кўп бор ҳомийлик қилганини сира унутмайман, — дейди Ангор туманидаги "Баркамол авлод" маркази шахмат тўгараги мураббийи Мафтуна Жонқулова.



Айтиш жоизки, Эркин Кўчкинов "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими ва шахмат федерацияси раҳбарлигини топширгандан кейин ҳам мазкур ақл ўйини ва мусобақаларида иштирок этишни канда қилгани йўқ. Ангор тумани халқ таълими бўлими раҳбарларининг ташаббуси билан 31-умумтаълим мактабида шахмат тўгараги ташкил этиб ва то нафақага чиққунича ўқувчиларга шахмат сирларини ўргатди.

Саккиз йилдирки, пенсияда. Лекин ўзини четга олгани йўқ. Ангор у қадар катта жой эмас. 31-умумтаълим мактабида болаларга шахмат ўргатганини кўпчилик унутмаган. Шу боис, одамлар: "Фарзандимни шахматга ўргатинг", деб ҳоли-жонига қўймагач, тўгаракни уйида очишга қарор қилди. Ўшандан буён фаолият кўрсатаётган тўгаракда ҳар йили ўртача 15 нафар ўғил-қиз шахмат сирларини ўрганганини ҳисобга олсак, шу пайтгача 100 нафардан ортиқ ёш Эркин бобонинг шахмат сабоқларидан баҳраманд бўлган.

Эркин бобонинг хонадонидаги тўгаракда шу кунларда 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган 15 нафар ўғил-қиз ҳафтанинг уч куни шахмат сирларини ўрганяпти.

— Болаларга дастлабки икки ойда шахмат тарихи, ўйин тартиб-қоидалари, тахта устида фигураларнинг ҳаракатланиши ўргатилади, — дейди Эркин бобо. — Сўнгра 4, 3, 2, 1-разряд ва шахмат усталигига номзод шахматчиларга мос дастурлар асосида сабоқ бераман. Бунинг учун шахмат мавзуидаги юздан ортиқ китоб, рисола, қўлланмам бор. Нафақамнинг бир қисмига деворга осиладиган катта монитор, 10 та шахмат тахтаси, 4 та электрон шахмат соати харид қилганман. Машғулотларда қатнашувчи болаларнинг ярми тушгача, қолгани тушдан кейин келади. Машғулотлар жадвалини уларнинг мактабда ўқишини ҳисобга олган ҳолда тузганман. Айрим болалар билан якка тарзда шуғулланаман. Икки ойлик назарий билимлардан кейин болалар шахмат тахталари устида "жанг"га киришади.

Ёш шахматчилар баҳсга киришганда, устоз уларнинг ҳар бир ҳаракатидан кўз узмайди, камчилик ва ютуқларини кўрсатиб, хатоларини тузатишга кўмаклашади. Шогирдлари маҳоратини ошириш учун уларни тез-тез туман ва вилоят мусобақаларига олиб боради. Вилоят шахмат федерацияси билан доимий алоқада, қачон, қаерда, қайси ёшдаги болалар ўртасида мусобақа ўтказилишини билади. Дейлик, август ойининг белгиланган кунида вилоят миқёсида 10-11 ёшли ўғил-қизлар ўртасида мусобақа ўтказиладиган бўлса, ҳафта — ўн кун илгари тарбияланувчиларини бўлажак мусобақага пухта тайёрлайди.

Ўзи ҳам шогирдлари билан тез-тез шахмат ўйнайди. Уларни бошқа тўгаракларда қатнашаётган шахматчилар билан ўзаро баҳслаштиради. Эркин бобо ўйин савияси ўзиникига тенглашиб қолган ёш шахматчиларни Термиздаги вилоят шахмат федерацияси ёки республика халқаро шахмат академияси Сурхондарё филиали ҳузурида фаолият кўрсатаётган тўгаракларга боришни, маҳоратини янада ўстиришни тавсия қилади. Айни пайтда унинг тўгарагида шахмат сирларини ўрганаётган Мирзабой Саидмуродов, Замира Тоштемирова, Моҳира Темирова, Асомиддин Ҳусниддинов каби ёшлар вилоят миқёсидаги баҳсларда иштирок этиб, совринли ўринларга даъвогарлик қиляпти.

Ҳа, ўзбекнинг ёши улуғ инсонлари ҳам болажон. Улар нафақат ўзининг, балки қўшниларнинг фарзандлари ҳам ақлли, доно, билимдон, юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб камол топиши учун жон куйдиради, ютуқларидан фахрланади. Эркин бобо Кўчкиновнинг фаолияти ҳам бунга мисолдир.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1956.
78817 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Асолат Шербекова
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:15 Топширилди — 00:30